

Ота-оналар учун




Пневмококк вакцинаси хақида ота-оналар учун энг муҳим маълумотлар

- Қўшимча эмлаш – қўшимча ҳимоядир.
- Пневмококк вакцинаси Фарзандингиз учун қўшимча ҳимояни таъминлайди.
- Вакцина Сизнинг фарзандингизни муайян турдаги касалликлар, шу жумладан менингит ва пневмония каби оғир касалликлардан сақлайди, бошқа вакциналар эса бундай ҳимояни таъминламайди.
- Сизнинг фарзандингизга қўшимча инъекция қилинади, чунки ушбу вакцинани битта шприцда бошқа вакциналар билан аралаштириш мумкин эмас.
- Инъекция бироз оғриқ келтириб чиқариши ва вакцина юборилган жой қизариб қолиши мумкинлиги сабабли бу инъекция бошқа эмлашлар қилинган жойдан ўзга жойда, одатда қарама-қарши сон мушагига юборилади. Пневмококк вакцинаси охириги навбатда юборилади.
- Эмлашдан кейин тиббиёт ходими сиздан болангиз инъекциядан сўнг бироз тинчланмагунича ЛПУда кутиб туришни ва шундан кейингина уйга кетишингизни илтимос қилади.

Қисқача маълумот: сиз нималарни билишингиз керак

1. Пневмококк вакцинаси болаларни пневмококк кўзғатувчилари келтириб чиқарадиган пневмония ва менингит касалликларидан сақлайди.
2. Вакцинация уч марта доза юбориш йўли билан амалга оширилади. Эмлашлар бўйича Миллий жадвалга мувофиқ 2, 3 ва 12 ойлик чақалоқлар эмланади.
3. Пневмококк вакцинасининг 0,5 мл миқдордаги дозаси соннинг олд ён қисмининг мушақлари ичига юборилади.
4. Пневмококк вакцинасини бир эмлаш сессияси доирасида бошқа вакциналарни юбориш учун қўлланилаётган жойидан ўзга жойга, масалан, қарама-қарши сон мушагига юбориш лозим.
5. Пневмококк вакцинасини бошқа РПИ вакциналар билан бир вақтда (бир эмлаш сессияси доирасида) бериш хавфли эмас.
6. Эмланган болаларда вакцина юборилган жойи қизаради ва инъекциядан кейин болалар бир оз инжиқланиши мумкин.
7. Вакцина 1 дозали флаконда ишлаб чиқарилади.
8. Вакцина +2 - +8°C ҳароратда сақланиши лозим. Флаконни ишлатишдан олдин яхшилаб чайқатиш керак. Вакцинани музлатиш мумкин эмас.
9. Ушбу ва бошқа вакциналарнинг ФТИ кўрсаткичини ҳисобга олинг.
10. Боладаги энгил касалликлар эмлашга қаршилик бўла олмайди.

Пневмококк вакцинаси



Тиббиёт ходимлари учун эслатма

Вакцина

Номи:

Превенар пневмококк полисахарид конъюгирланган вакцина (адсорбцияланган)

Вакцинанинг таркиби:

Пневмококк вакцинаси 13 серотиплар билан.

Вакцина қандай касалликлардан ҳимоялайди:

Streptococcus pneumoniae, шу жумладан пневмония, менингит ва ўрта отит.

Вакцинацияни ўтказиш схемаси:

2, 3 ва 12 ойлик чақалоқлар учун.

Ишлаб чиқариш шакли:

Инъекция учун мўлжалланган суспензия шаклидаги суюқ адсорбцияланган вакцина. Шиша флакон ичига вакцинанинг бир дозаси солинган, резина тиқин билан ёпилган ва қопқоғида ФТИ мавжуд.

Вакцинани сақлаш тартиби:

Вакцина совутгичда +2 - +8°C ҳароратда сақланиши лозим.

Вакцинани музлатиб қўйиш мумкин эмас.

Пневмококк вакцинасини бир вақтда бошқа вакциналар билан бирга ишлатиш:

Пневмококк вакцинасини битта эмлаш жараёнида болаларга профилактик эмлашлар жадвалига кирадиган бошқа вакциналар билан бир вақтда мушакка юбориш мумкин.

Лекин турли вакциналар битта шприцда аралашиб кетишига йўл қўйилмайди (инъекцияларни юбориш жойлари тўғрисидаги маълумотларни кўринг).

Вакцинадан фойдаланиш

Вакцинани ишлатишдан олдин флаконни яхшилаб чайқатиш керак. Вакцинанинг ФТИ мақоми ва яроқлилик муддатини текширинг. Тоза игнадан фойдаланиб, шприцга 0,5 мл вакцина тортиб олинг.

Эмлаш жараёнида, барча вакциналар каби, пневмококк вакцинаси ҳам совутилган ҳолатда сақланиши лозим. Агарда вакцина музлатиб қўйилганлигидан шубҳалансангиз, шейк тестини ўтказинг.

Инъекция қилиш жойи:

1 ёшгача бўлган болаларда - соннинг олд ён қисмига, каттароқ ёшдаги болаларда – дельтасимон мушакка вакцина юборилади.

Агар битта вакцинация доирасида бошқа эмлашлар ҳам қилинадиган бўлса, инъекциялар бошқа жойларга, масалан, қарама-қарши сонга (ёки қўлга) юборилиши лозим.

12 ойга тўлмаган чақалоқнинг сон қисмидаги мушак ичига 2 ва ундан ортиқ инъекцияларни юбориш



Пневмококк вакцинасининг инъекцияси бироз кучлироқ оғриқ бериши сабабли ушбу вакцинани охириги навбатда юбориш тавсия этилади.

Пневмококк вакцинаси ишлатилганда кўп учрайдиган ножўя таъсирлар:

Енгил таъсирлар:

- Аччиқланиш, йиғлаш ҳолатлари кўп кузатилади.
- Инъекция юборилган жой шишиб қолади ва оғриқ беради – тахминан ҳар икки ҳолатнинг бирида учрайди.
- Тана ҳарорати қисқа муддатга кўтарилади >39°C: тахминан ҳар 20 ҳолатдан бирида кузатилади.

Эмлашга қарши кўрсатмалар:

Аввалги эмлашда вакцинанинг дозаси юборилгандан сўнг гиперсезувчан кучли таъсирландиган болаларга вакцинани такроран юбориш тақиқланади.

Эмлашни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш:

Пневмококк вакцинасини ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш алоҳида-алоҳида амалга оширилади, чунки бу мураккаб вакцина эмас. Барча ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик шакллари (эмлаш карталари, мониторинг учун ҳисобот ва жадваллар) пневмококк вакцинасининг учта дозасини режали эмлашлар жадвалига киритишни ҳисобга олган ҳолда, мувофиқлаштириш талаб этилади.